

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.



№ 281 (6. 172)

1986 йил 9 декабрь, сешанба

Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўз қарори билан энг яхши инновард натижаларга эришиш учун мусобақани авж олдириб юборган ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан зиммаларига социалистик мажбуриятлар қабул қилган «СССР 50 йиллиги» номида Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бirlашмаси, Қўшдағи Охунбобоев номидаги тикучилик фабрикаси, Урта Осиё темир йўли Фарғона бўлими, Косовсей район матлубот жамиятига қарашли университет комсомол-ёшлар бригадаси коллективларининг, «Ўзбекгидроэнергострой» трести, Узатро-промпстройга қарашли 2-трестнинг 108-механизациялашган қўшма колониаси курувчилари, монтажчилари ва ишга тушурувчиларининг, Фарғона область Олтириқ районидagi қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг ташаббусини маъқуладди.

Бу коллективлар вужудга келтирилган қувватлардан фойдаланишга янгича иқдорий ёндашиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш ва технология интизомига риоя этиш, янги техника ва илгор технологияни яратиш ва жорий этиш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илгор формаларини қўлланиш, социал тараққиётни жа-

даллаштириш йўли билан Улуғ Октябрнинг юбилейини меҳнат ютуқлари билан кутиб олишга, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, хом ашё, материаллар ва электр энергияни планга қўшимча равишда тежамли ҳолда беш йиллик икки йил топириқларини муддатидан илгари бажаришга қарор қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область, шаҳар, район партия комитетлари, министрликлар ва идоралар, Усовпроф раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари, касабга соҳа ва комсомол ташкилотлари зиммасига барча меҳнат коллективларида маъзур ташаббус кенг муҳокама қилиниши ва қўллаб-қувватланишини, Улуғ Октябр социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига юксак мажбуриятларини ишлаб чиқиб, қабул қилишни ташкил этиш вазифасини юқлади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиозинтириш давлат комитетига, республика, область газеталари ва маҳаллий газеталарнинг редакцияларига меҳнат, ишлаётганлар учун меҳнат, маиший ва дам оlish шароитларини яратишда, юбилей мажбуриятларини бажаришда юксак кўрсаткичларга эришган илгор коллективлар таърибосини бутун чоралар билан пропаганда қилиш топирилди.

«СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБР СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНING 70 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Бирлашма ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленуми қарорларига амал қилиб, КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнатчиларига «Совет халқининг илҳомбахш иқдорий меҳнати — XII беш йилликка!» Мурожаатномасига амал қилиб ишлаб билан жавоб қайтариб, Улуғ Октябр социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, қўйидаги социалистик мажбуриятларини қабул қилдилар.

Ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан йиллик план муддатидан илгари — 30 декабрда бажарилади, қўшимча равишда 1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, 100 та трактор, 60 та трицеп таъйирланади, шу жумладан Улуғ Октябрнинг юбилейига 900 минг сўмлик маҳсулот, 90 та трактор, 50 та трицеп ва 100 минг сўмлик ахтир қисмлар ишлаб чиқарилади. Ана шу шонли санага қадар ҳар бешта ишлаб чиқариш бригадасидан беш меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан беш йиллик икки йил топириқларини бажарилади.

Кучли тракторлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва қишлоқ хўжалигига етказиб беришни жадаллаштириш мақсадида юз от кучига эга бўлган моторли Т-100 XII тракторлари синови тугалланади ҳамда айни пайтда хўжалик жиҳазларини кенг текширув ўтказилади, бунинг учун биринчи кварталда пахта териш машиналарини ўратиш учун «Ташсельмаш» заводида 50 та трактор ва иккинчи кварталда Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига 50 та трактор етказиб берилади.

Технология интизомини мустаҳкамлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, маҳсулотнинг намида 93 проценти биринчи тақдимидаёқ давлат қабули вақилигарга топирилишига эришилади.

Янги техника ва технология юзасидан 300 та тадбир-

Социалистик мажбуриятлар меҳнат коллективининг йиллигида муҳокама этилиб, қабул қилинган.



«Таштекстильмаш» заводи комсомол-ёшлар коллективлари орасида комсомолнинг бўлажак съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг кулоб бўлмоқда. Бу меҳнат вахтаси «ВЛКСМ XX съездида» — йигирма зарбдор ҳафта» шиори остида ўтаётган.

Қудрат Абдусаматов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси корхонада биринчи бўлиб мамлакат комсомолни ҳаётидаги шонли воқеани меҳнат унумдорлигини ўстириш ва ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш янги йиллик планини бажариш билан кутиб олиш бўйича ташаббус бошлади.

Унумли ва тежамли

Тошкент экскаватор заводи ҳозир «30-32-ЦД» маркали машинасини ишлаб чиқаради. Мелорация ишларида мўлжалланган бу экскаваторларни корхона республикамадан ташқари Россиянинг Нокоратупроқ зонасига, Болтибуйи республикаларига, Венгрия, Чехослования каби қардош мамлакатларга юборлади. Коллектив ўн бир ой мобайнида 1402 та экскаватор ишлаб чиқарди. Шунинг 18 таси планга қўшимча тайёрланди.

Келас йилдан завод «30-32-211» маркали гидравлик экскаватор тайёрлашга ўтади. Иш принци-

ВЛКСМ XX СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

Майда туркумдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган цехда мусобақага рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари бригадаси бошчилик қилаётган. Сергей Шчербаков бошлиқ бу бригада ВЛКСМнинг XX съезди йилини зарбдор меҳнат ва сифат йили деб эълон қилди, беш йилликнинг икки йили планини Улуғ Октябр социалистик революциясининг 70 йиллигига қадар бажаришга қарор қилди.

«Таштекстильмаш» заводининг кенг истеъмол буюмлари, қуёв ва бошқа дехлари комсомоллари ҳам оширилган мажбуриятлар қабул қилинган.

пи ҳозирги экскаватордан тубдан фарқ қиладиган бу машина анча тақомиллашган. Шунинг учун ҳам ҳозир янги техникани ишлаб чиқаришга қизғин тайёргарлик қўйилган. Цехларда инвентаризация ўтказилиб, ортиқча, кам унумли, маънавий ва жисмонан эскирган ускуналар аниқланган, янги-сини билан алмаштирилишти, мавжуд ускуналарнинг сменали коэффицентини ошириш бўйича тадбирлар белгиланган.

Бу йил корхона жами 1520 та экскаватор тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб беради.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

ган. Бунинг оқибатида Тошкент шаҳридаги ана шу ва бошқа озиқ-овқат саноати корхоналарида маҳсулот сифатини яхшилашда сезиларли ўзгариш бўй берган.

Шу йилнинг учинчи кварталда сифат бўйича давлат инспекцияси ва Давлат стандартлар органлари ёғмий комбинатида ишлаб чиқаришда маҳсулотнинг текширишдан ўтказилган 41,3 проценти, «Ўртоқ» кондентер фабрикасида 53 проценти, «Ташкентхлеб» бирлашмасида 12 проценти иш брак қилдирилган. Жорий йилда системали тарзда сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилишига йўл қўйилганлиги учун 5-нум заводи директори ва бош инженери жавобгарликка тортидрилди. Булочка-кондитер ва сут-ёғ комбинатлари ҳам стандартга мос келмайдиган маҳсулотни чиқариш давом этмоқда. 2-нум маҳсулотлари комбинатида олиш сорли маҳсулот салмоғи таъминотига қўлқонмади.

Қатор корхоналарда социалистик мулкни ўғирлаш ҳақмон кенг тарқалган. «Ўртоқ» кондитер фабрикасида январь — сентябрь ойларида янги ишлар органлари ўғирлиги қилган 33 кишини, «Ташкентхлеб» бирлашмасида 267 кишини қўлга туширишди.

Ёғ-мой комбинатида бу масалалар айниқса ташвишлангич аҳвол бўй бермоқда. Шу йил сентябрь — октябрь ойларининг ўзидагина ўғирликка жўрват этган 8 киши ушланди ва жиноий жавобгарликка тортидрилди. Хўқуқни муҳофаза этувчи органлар қайта-қайта ўтказилган рейдлар жараёнида комбинатнинг иккинчи сменадан қайтаётган ходим-

ларининг 80 проценти давлат мулкни олиб чиқаётганда ушланганлигини кўрсатди.

Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети ва Дон маҳсулотлари министрлиги аппаратларининг бошланғич партия ташкилотлари шаҳар партия комитети қарорини бажариш юзасидан таъсирли чоралар кўришмаган. Улар ўз тасарруфларида бўлган Тошкент шаҳрида жойлашган озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини ошириш, маъзур корхоналарни техникавий қайта қурулантириш масалаларини ҳал этишда аппарат комитетлари нисбатан масъулиятни кучайтиришмаган. Бунинг оқибатида, масалан, «Ўртоқ» кондитер фабрикасида, ёғ-мой ва сут-ёғ заводларида ишлаб чиқарилиш ўн иккинчи беш йилликда реконструкциялаш, техникавий қайта қуруллан, тирин планлари ҳали ҳам тасдиқланмаган.

Акмал Икромов, Киров, Ҳамза, Чилонзор район партия комитетлари қарорини бажариш юзасидан зарур чоралар кўришмади. Озиқ-овқат саноати корхоналари партия ташкилотларининг фаолияти қарор қабул қилгандан сўнг назоратсиз қолдирилди, партия ташкилотларида ўз вақтида тегишли ёрдам кўрсатилмади, шаҳар партия комитети қарорини бажариш талаб этилмади.

Бюро Акмал Икромов (Т. Ҳайдаров), Киров (Ш. Н. Махмудова), Ҳамза (Ф. Н. Нахмидинов), Чилонзор (Б. В. Ефремов) район партия комитетлари, Ўзбекистон ССР Агросаноат

давлат комитети (Ю. А. Акмалов), Дон маҳсулотлари министрлиги (М. С. Иванов) аппаратларининг, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси (В. И. Косинов), сут-ёғ (Р. А. Горбунова), булочка-кондитер (Р. М. Зокрикова), 2-нум маҳсулотлари (Х. А. Тощмухамедова) комбинатлари партия ташкилотларининг шаҳар партия комитети қарори ижросини қонқарисиз уюштирилганлигини таъкидлади.

Бюро ёғ-мой комбинати бошланғич партия ташкилотлари бюроси ишни мутлақо қонқарисиз топиб, КПСС аъзоси Б. Т. Нажимовнинг бошланғич партия ташкилотлари секретари вазифасида қўлиш қўлмаслигини ҳал этишни Ҳамза район партия комитети бюросига топишди. Бюро Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети аппарати партия комитетининг секретари Ю. А. Акмаловга шаҳар партия комитетини қарорини бажариш юзасидан зарур тадбирларни белгиланган коммунет раҳбарлар жавобгарлигини бир ой муддат ичда кўриб чиқишни топишди.

Бюро КПСС аъзолари — «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, ёғ-мой комбинати, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари А. М. Берияд, Т. З. Зиедудлаев, А. А. Аюповларга ўзлари раҳбарлик қилаётган корхоналар маҳсулоти сифати учун шахсан жавобгар эканликларини қатъий кўрсатиб ўтди ва 1987 йилнинг биринчи кварталда ақулар бўйича текшириш ўтказилганда бу масалаларда тегишли чоралар кўрматганликлари аниқланса улар жиддий партиявий жавобгарликка тортилажаклари ҳусусида оғохлантирилдилар.

Бюро мавжуд камчиликларни бартараф этиш, аввал қабул қилинган қарорининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича қатор тадбирлар белгиллади.

Таъкидлаб ўтилганидек, партия органлари Тошкент шаҳрида диннинг, айниқса исломнинг зарарини тушунтириш юзасидан олиб бораётган ишлар қонқарисизлигига қўлқонмади. Район партия комитетлари, совет, комсомол органлари, бошланғич партия ташкилотлари бу соҳадаги камчиликлар билан мурося қилиб келмоқдалар, диний сарқитларга қарши курашда ҳужумкорлик кўрсатмаётдилар, ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил этмаётдилар. Атеист тарбия ҳусусида қабул қилинган қарорлар ижроси ёмон уюштирилган.

Бюро район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, совет, комсомол ва маъмурий органлар исломнинг реакция тарбияси, диний сарқитларга қарши курашда етарли иш олиб бормайётганликлари юзасидан ўттиш билан бирга, район партия комитетларига ана шу масалалар юзасидан илгари қабул қилинган қарорлар ижросини таҳлилдан ўтказиш, бу қарорларни бажармаган коммунистларга нисбатан принципий партиявий баҳо беришни топишди.

Бюро уруш ва меҳнат ветеранлари жамияти шаҳар ташкилотининг ташкилий комитетини тузиш бўйича қарор қабул қилди.

Бюро мажлисида партиявий ишнинг, шаҳар иқтисодий ва социал ҳаётининг бошқа баъзи масалалари ҳам қараб чиқилди.

Ушбу ҳужжатларни XIX қаринг Тошкент шаҳар Советининг бўлажак IX сессиясида кўриб чиқиш мақсада мувофиқ деб топилиди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисида шаҳар хўжалигини янада ривожлантиришнинг бошқа айрим масалалари кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Манноп Аҳмедов. Бу ном эндиликда кўпчилик қурувчиларга яхши таниш. Мана чорак асрдирки, у Тошкент қурилишларида фаол қатнашиб келади. Зилзиладан қаттиқ зарар кўрган шаҳримизни тиклашда ўзининг муносиб улушини қўшган бунёдкорлардан.

— Қурувчилик ҳамisha фехрли касб бўлиб келган. Айниқса табиий офат бўйи ертган йилларда бу касб эгасининг обрўйи янада ошиб кетди, — деб эслайди Манноп ака. — Бошпанасиз қолган одамларни уй-жой билан таъминлаш кун тартибидан энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бутун шаҳар бўйлаб қурилиш авж олдириб юборилган. Икки, ҳатто уч сменда ишлашга тўғри келарди. Бир бинонин битказишимиз билан иккинчи бино қурилишини бошлаб юборардик. Одамлар ҳимматига қойилган. Меҳнаткаш, ақил холқимизнинг улкан бунёдкорлик ишларини тўғайли зилзила келтирган жараҳатлар тезда битиб кетди.

Манноп Аҳмедов. Бугунги кунда бу қурув-

чининг номи В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, СССР Халқлари дўстлиги саройи, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси бинолари қурилиши билан боғлиқ. Манноп ака бу қурилишларда самарали меҳнат қилди. Бу объектларнинг ўз муддатида фойдаланишга топирилишига муносиб ҳисса қўйди.

Ҳозир бу таъриблик бунёдкор 11-Висотсрой трестига қарашли махсус қурилиш монтаж бошқармасининг Ленин ордени кавалери, КПСС XXVII съезди делегати, танкили қурувчи Мухтор Ҳабибуллаев бош бўлган бригадада самарали меҳнат қилмоқда.

— Шу кунларда бригаданимиз аъзолари Ленин кўчасида қад кўтарайтган коллектив фойдаланиш учун мўлжалланган ҳисоблаш маркази қурилишида актив қатнашмоқда, — деди Манноп Аҳмедов.

СУРАТДА: коммунистик меҳнат бригадаси аъзоси, қурувчи Манноп Аҳмедов.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети навобатдаги мажлисида умумий таълим ва ҳунар мактабининг ишлоқ қилинишини бориши ҳақидаги масалани муҳокама қилиб таъкидлаб ўтдики, шаҳар халқ маорифи ва ҳунар таълими муассасалари халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан биргаликда ишлоқнинг асосий йўналишларини амалга ошириш борасида муайян ишларни қилишди.

Халқ маорифи ва ҳунар таълимининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. 33788 ўқувчи ўқийди 29 та мактаб ва 9 та қўшимча мактаб, 72 минг ўқувчи 27 та мактабга тарбия муассасаси ишга туширилди. Махсус ҳунар-техника билим юрларининг учта янги комплекси қурилди, олти ёшли

болаларни ўқитиш бошланди. Ёшларни касба йўналиштириш шаҳар маркази очилди.

Кейинги икки йилда шаҳар ҳунар-техника билим юрларидан халқ хўжалигининг турли тармоқларига 28 мингдан зиёд малакали ишчи йўналди.

Аҳолининг болалар болчалари ва ёшларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш чоралари кўриллишти.

Бирок эришилган ютуқлар билан бир қаторда мактаб ишлоқтининг амалга оширишида бир қатор камчиликлар ва жиддий нуқсонлар бор. Педагогика коллективлари ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишда ҳали сезиларли натижаларга эришилмаган, мактаблар ва ҳунар-техника билим юрлари ўқувчиларини ўқитишнинг

актив формалари суст жорий этилган. Халқ маорифи органлари, ҳунар-техника билим юрларининг раҳбарлари ўқув-тарбия ишларида фаол иштирок этиш олиб бориш марказига айлантириш ўқувчиларини йиллик таъдиқот фаолияти бўйича маъмулотларга, техникавий ва бадий иқдорига, иқтисодий фойдали меҳнатга, физкультура ва спортга тортиш ишларини сусткашлик билан ҳал этишати.

Район Советлари ижроия комитетлари халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлашга етарли эътибор қаратишмапти. Шаҳардаги 43 та мактаб аски тилдаги мослаштирилган биналарда жойлаш-

ган, мактабларнинг 68 проценти икки сменда ишлайпти. Битта ҳам замонавий бинога жойлашган ўқув-ишлаб чиқариш комбинати йўқ. Буларнинг қўнғилиғида устаноналар, жамоатчилик уштининг корпуслар, охоналар, спорт ва мажлис заллари йўқ. Малакали кадрларга эҳтиёж катта бўлишига қарамай, «Подъём» заводи, «Главташкентстройнинг» «Промстройкомплект» бирлашмаси каби корхоналар ҳунар-техника билим юрларига эга эмас ва уни қўрмапти.

Шаҳар халқ маорифи Бош бошқармаси ва ҳунар-техника таълими бошқармаси ишида касба йўналиштириш борасида жиддий силжилар рўй бергани йўқ.

Тошкент шаҳар Совети

ижроия комитети қабул қилган қарорда халқ маорифи Бош бошқармаси, ҳунар-техника таълими бошқармаси, район Советлари ижроия комитетларининг умумий таълим ва ҳунар мактабининг ишлоқотини амалга ошириш юзасидан етарли иш олиб борматганлигини кўрсатиб ўтди. Кўрсатилган намчиликларни бартараф этиш, 1984 йил 13 декабрда Тошкент шаҳар Советининг XIII сессиясида тасдиқланган ишлоқотини амалга ошириш юзасидан комплекс планга белгиланган барча топириқларини сўзсиз бажариш юзасидан ишловининг чоралар кўриш зарурлиги таъкидланди.

Шаҳар халқ маорифи Бош бошқармаси, ҳунар-техника таълими бошқармаси раҳ-

барларининг эътибори ўқув-тарбия жараёнини тубдан қайта қуриш, ишчи кадрлар тайёрлаш планини бажариш, билим юрларини битирганларнинг ишлаб чиқаришда тўла ўрнашиб қўлиниши таъминлаш масалаларида ўзларига бўйсинувчи муассасаларнинг фаолиятини анализ қилишга чуқур ёндошмаётганликлари қаратилди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети уларнинг раҳбарлари (М. Қосинов, Ш. Содиқов), район Советлари ижроия комитетлари зиммасига ўзларига бўйсинувчи муассасалардаги аҳволни таъиниқий анализ қилишни ва уларнинг фаолияти аниқ координация қилинишини таъминлаш вазифасини юқлади. Мактаб ишлоқотини амалга оширишдан

келиб чиқувчи вазифалар бажарилиши устидан раҳбарларнинг, мутахассисларнинг масъулиятини кўриб чиқиш топирилди. Қўрилган чоралар ҳақида 1987 йил 1 июлга қадар Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига хабар қилиниши керак.

Ижроия комитет мажлисида шаҳар хўжалигини 1987 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш плани кўриб чиқилди. План ҳужжатларида асосий эътибор шаҳар экономикасида рўй берган иқдорий силжиларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган. Янги иқтисодий маҳсулотни, миллий даромадини, товар маҳсулот ишлаб чиқариш топиригини, социал-маданий соҳа объектларини ишга

тушириш ва капитал маблағ бажарилиши умумий ҳажми бўйича бирмунча юқори иш ҳажми белгиланди. Фан-техника тараққиётини мустаҳкамлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, асосий фондларни янгиллаш, ресурсларни тежаш, таннархни пайсатириш борасида жиддий силжиларга эришиш кўзда тутилди.

П. В. П И С О Ц К И Й н у т қ и

лар ҳам тунги сменалардан (аҳолида зарур қолган бундай мустасно) овоз килинган. «Узбекселимаш» да ишловчиларнинг қарийб 38 процентини эса хотин-қизлар ташкил этади. Оқибатда меҳнат маромининг жиддий бузилиши рўй бермодди. Шу боисдан меҳнат тўғрисидаги қонуналарга ўзгаришлар киритилишини тақдир этамиз.

Улуғ Октябрьнинг 70 йиллиги шарафига «Узбекселимаш» заводи ўз зиммасига оширилган социалистик мажбуриятлар олди. Уларни бажариш учун биз иқдоркорлик билан ташаббус кўрсатдик, масъулиятни ва интизомни чуқур ҳис этдик. КПСС XXV съезди қарорлари талаб қилгандек меҳнат қиламиз.

П. В. Писоцинский
нутқи қисқартirilган ҳолда
босилмоқда.

публика маориф министри Фернандо Карденаль, тинчликдан астойдил манфаатдордир. Никарагуаликлар учун тинчлик Маркази Америкада бемаъни қон тўқилишга ва гуноҳсиз аёллар, қариялар, болалар ҳалок бўлишига чек қўйилшини билдиради. Министр планета ҳалқларини тинчлик, ҳалқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, ўз суверенитети ва миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашишга даъват этди.

ЖОНАЖОН БАТАН БЎЙЛАБ



Мамлакатимизда тарихий нишотлар жуда кўп. Осмон-улар қўлларда жойлашган мана бу минора-қалъа эрк-савар тоғликлари қарҳат-монона ўтмишдан яққол да-лолат бериб турибди.

Ш. Айвазов фотоси,
ТАСС фотохроникаси.

Қозғоғистон ССР. Чим-кент шаҳрининг чеккасида янги қасалхона комплекс қад кўтарди. Бу Қозғоғистон-да биринчи ва мамлакатда иккинчи республика баро-маркази ҳисобланади. Бу ба-рокомплекснинг номи «Арис» деб аталади. Уни жамоатчилик асосида бунёд этишди.

Баромарказнинг очилиши муносабати билан турли хил юрак, ўлка, ошқозон қасал-



ликлари билан оғриган ки-шиларни даволаш имконияти туғилди. Шунингдек, жигар, буйрак, қон томирлари ка-салликлари даволанади, юқо-ри ксилород босими шарон-тида мураккаб операциялар қилинади. Чимкент баромар-кази ўзига хос мактаб бўлиб қолди. Бу ерга кўпгина рес-публика, ўлка ва мамлакат областларидан врачлар ва инженерлар тажриба ўрга-ниш учун келмоқдалар.

СУРАТДА: баромарказ барофизологи, медицина фанлари кандидати Болат Мирзалиев ва инженер-опе-ратор Тамара Карташева пульт ёнида.

И. Будевич фотоси.

БОҒ ВА ТОМОРҚА
ЮМУШЛАРИ

Ҳикмат—бир ҳовуч олтин

ТИКАНДАН—ГУЛ, АРИДАН БОЛ

- ▲ Бир туп тоқ эксанг, бир туп тол эк.
- ▲ Бобонинг тол экани — ўзига ном экани.
- ▲ Бахилнинг боғи кўнармас.
- ▲ Яхшидан боғ, ёмондан боғ қолади.
- ▲ Меҳнатдан боғ яшнайд.
- ▲ Тошсиз тоғ, қўчасиз боғ бўлмайди.
- ▲ Қалби чиройлининг — боғи чиройли.
- ▲ Бола бошдан, ниҳол ёшдан.
- ▲ Ерни боқсанг — боғ бўлади.
- ▲ Гулни севган кўнгилда — гўбур йўқ.
- ▲ Яхши дарахт ўтқазар.
- ▲ Ёмон дарахт кесар.
- ▲ Боғдон кўнгли — гулистон.
- ▲ Бирни кессанг, ўрни эк!
- ▲ Боғ жамолни — боғдон яратди.
- ▲ Бир йил гўл эккан киши юз йил гав-ҳар таради.
- ▲ Табиат ҳасис эмас — тикандан гўл, аридан бол яратди.



Шаҳримиз аҳолиси киши ойларида ҳам турли кишлоқ хўжалик ноз-неъматларидан баҳраманд бўлишди. Бу борада пойтахт областимизнинг Орғоникда райондаги Ленин номи колхоз миришор деҳқонлари гайрат ва ҳиммат кўрсатиб, шаҳарликларга кўйлаб सबзот ва цитрус мевалари етказиб беришмоқда.

СУРАТДА: колхознинг тажрибали цитрусчиси М. Фахриддинов теплицада етишган лимонларни шаҳарликларга тариб ю-натмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Қишки
тадбирлар

◆ Қишнинг ёғин-сочинли кунларида боғ-томорқалардаги эриқ, зовур ва ҳовуларнинг тоза, ҳас-ҳазонлардан ҳоли бўлишига эътибор бериш ке-рак. Ҳар хил ҳазон-ахлатлар омборлар оғзига тикилиб қолса, боғ-томорқага сув то-шиши, нав-ниҳолларга, баҳорги экинларга зиён қилиши мум-кин.

◆ Боғ-томорқалардаги ва гулзордаги кўйилган тоқларга, кўйма қилинган гулларга вақ-ти-вақти билан қараб туриш ке-рак. Баҳзон ит, мушук ва бошқа ҳайвонлар уларни кав-лаб, поя ва илдириши охиб ташласа уларни совуқ уради.

◆ Қор қалин ёғганда боғ-томорқалардаги олма, нок, бе-ҳи, шафтоли, олхўри каби дарахтларнинг шох-шаббаларига оғир бўлиб ўтириб қолган қор-ларни таёқ билан оҳиста қўқиб тушириш. Акс ҳолда мевали шохлар синиб, дарахт шикаст-ланади.

◆ Қиш-қировли кунларда ҳам боғ-томорқаларимизда чумчуқ, мушук, загача, ҳақка каби паррандалар қишлоқ ке-лади. Ёғин-сочинда ва совуқ-да улар оғшини излаб қина-лишди. Боғ-томорқалардаги дарахтларга қушлар учун уя-лар тайёрлаб қўйса, қанотли дўстларимизга катта ғамхўрлик кўрсатган бўламиз.

Уй гуллари парвариши

Уйда гул ўстириш гўзал-лик бағишлаш билан бирга, улар ўзидан фитонцидлар чиқариб микрообларни ўлди-ради ва уларнинг кўпайиши-га тўқилиш қилади. Била-мизки, уй ўсимликларининг яхши ривожланиши учун энг аввало ёруғлик, ҳаво, намлик керак. Хона ҳарора-ти ўсимлик талабига мос бў-лиши лозим.

Қиш пайтида ўсимликлар асосан «дам» олади. Шу-нинг учун ҳам уларнинг то-за ҳавога бўлган талаби ба-ҳордан кам бўлади. Аммо, шундай бўлса ҳам ўсимлик сақланаётган уйни вақти-вақти билан шамолла-тиб туриш керак. Қўпчилик ўсимликлар қиш фаслида 8—12 даражадаги иссиқ ҳа-

ролатни хоҳлайди. Шунинг учун ўсимликлари дераза ойналари яқинига жойлаш-тирган яхши. Бу эса, ўз навбатида хоналар ортиқча исиб кетганда ўсимликни қу-риб қолишдан сақлайди.

Гул ўстиришда унинг ил-диэлари жойлашадиган ту-вакларга ҳам эътибор бе-риш керак. Сопол гултувак-лар уй ўсимликлари ўсти-риш учун жуда қўлай бўла-ди. Чунки унинг деворчалар-и серковак бўлиб, илдиэ-ларнинг «нафас олиши» учун керакли ҳавони яхши ўтка-зади. Тунука ва консерва банкаларда гуллар дуркув ўсмайди.

Уй гуллариға меъёридан ортиқ ўғит солмаслик ва кўп сув қуйвермаслик керак, акс ҳолда гул илдиэлари чириб кетади.

ОБ-ҲАВО ДАРАКЧИЛАРИ

Табиатнинг ажойиб мўъжизалари бор. Кундалик ҳаётимизда об-ҳавонинг турли хил ўзгаришларига дуч келамиз. Атмосфера-да созир бўлаётган физик ҳодисалар, ҳайвонот дунёси, парран-даларнинг об-ҳаво ўзгаришнинг олдиндан билиш ҳақидаги ай-рим белгилар кўпчиликини қизиқтиради, албатта. Кишига таби-атдаги ўзгаришларни билишнинг ўзи нифоа қилмайди. Шу билан бирга, ушбу кузатувни таққослаб билиш, об-ҳавода бўладиган ўзгаришларни олдиндан кўра билиш ҳам керак.

Қуйида об-ҳавонинг ўзгаришлар ҳақида дарак берувчи, ҳа-л-қимиз томонидан кузатишган белгилар билан танишасиз.

◆ Қишда самоддаги юлдуз-лар ёрқин чарақлаб турса ҳа-во каттиқ совийди. Еруғ совуқ

кун келишидан олдин Ой ту-ниги осмонда доимо оппоқ ярақлаб кўринади.

◆ Қишда тушган туман кун исишидан дарак беради.

◆ Учқондаги ўтин чарсиллаб ёнса, дудбурон яхши тортса — ҳаво совийди. Печкадаги олов-нинг тортиш суқ бўлса, учиб қолса — ҳаво нам бўлади.

◆ Урмон устидаги ҳаво за-гори тус олса — ҳаво исиydi. Қишда муз устига сув чиқса, яқин орада ҳаво исишидан ёки



«Чинорлар туташган яроқлар гилами».

А. Жумаев фототюди.

Табиатнинг қизик табияти

◆ Дарахтларга қиров кўнса — ҳаво совийди, кундузи қор ёғмайди.

◆ Қишда тушган туман кун исишидан дарак беради.

◆ Учқондаги ўтин чарсиллаб ёнса, дудбурон яхши тортса — ҳаво совийди. Печкадаги олов-нинг тортиш суқ бўлса, учиб қолса — ҳаво нам бўлади.

◆ Урмон устидаги ҳаво за-гори тус олса — ҳаво исиydi. Қишда муз устига сув чиқса, яқин орада ҳаво исишидан ёки

ёғирдан дарак беради.

◆ Булут шамолга қарши юр-са — қор ёғади, булут паст-лаша — ҳаво совийди.

◆ Дераза ойнаси қишда терласа ҳаво исиydi.

◆ Дудбурондан тўтун тўғри талаға кўтариш — совуқ бўла-ди. Агар қиш кунлари шамол-сиз дудбурондан чиқаётган ту-рин тўсатдан «синса» (лекин ерга ётмаса ва осмонда пәла-ға бўлиб баландга кўтарил-са) совуқ юмшашининг аниқ

белгиси деяверинг.

Хайонлар ва паррандалар ҳам об-ҳаво ўзгаришига бе-фарқ бўлмайди.

◆ Қорамоллар кундузи кўп-роқ ухлаб, қам сув ичса — ёғингарчилик бўлади.

◆ Сичқонлар қиш кунлари совуқ бўлса-да, ҳаво исишидан бир кун олдин ниндан қорға чиқади.

◆ Мушук ҳаво совушидан олдин ғужанга бўлиб, тум-шукларини олд оёқлари ёки думлари билан беркитиб ёта-ди. Мушук тирноғи билан пол-ни қиртишласа — қор майда-лаб ёғади, орқа оёқларида ту-риб деворни қиртишласа — қор бўралаб ёғади.

◆ Қушларнинг таъсирланмиш ҳам ажойиб.

◆ Қарға тумшугини қаноти остига олса — совуқ бўлади. Қарға эрталаб дарахт тепасига ёки сиймоғига кўнса, патлари-ни тозалаб, қағилласа — қор ёғиб, шамол туради.

◆ Қарға ва зағалар қишда осмонда галалашиб гир-гир айланса — қор ёғади, қорға кўнишса кун исиydi, дарахт тепасига кўнишса кун совийди, қанча баландга кўнишса шу-нча совуқ туради, пастки шох-ларга кўнишса — шамол туради.

Мана шу қушларнинг таъ-сирлари ҳисобга олган ҳолда кундалик ҳаётда оқило-на фойдаланиш мумкин.

А. ОБИДХУЖАЕВ тайёрлаган.

Сўнмас у кунлар шўхрати

БАЖАРИЛМАГАН
ИЛТИМОС

(Жангчи ён дафтаридан)

Баҳорнинг дастлабки ойлари. Вақт чоғоғ бўлиб қолган. Ҳаво анча илқ. Кишлоқни баланд-паст тош, ҳарсанг ёт-кизилган кўчасидан ёлғиз ўзим борар эканман, ҳаёлларимни ўтган йиллар воқеаси қамраб олди. Улар худди кино лента-сидек, бир-бир кўз олдимдан ўта бошлади. Мана шу киш-лоққа, мана шу қадрдон кў-чага илк марта қадам қўйга-нимга қарийб чорак асрдан ошибди.

...1943 йилнинг охирилари Харьков пиледалар билим юр-тида уч ойча таълим олгач, бизни фронтга юборишди. Кундуз кунлари юриш ҳавфи бўлгани учун асосан кечаси юрардик, машиналарда эмас, пиледа йўл босардик. Аввалла-ри бунчалик узоқ йўл юрма-ганимиздан бўлса керак, ҳам-мамиз роса чарчагандик. Шун-дай хориган эдикки, ўша кун-лари бизга беш-ун минутлик дам берилган пайтларда қор устига ёнбошлаб, дарҳол пи-накка кетардик. Айрим сол-датлар эса йўлда юриб кета-ётганларида ҳам ухлаб бори-шарди. Ҳа, ишонинг. Юриб ту-риб ухларди, улар.

Ниҳоят учинчи кун ирим кечада манзилга етиб бордик. Бу жой оппоқ, қор билан қоп-ланган, ўқир-ўқир жарлик-лардан иборат эди. Бизга хан-дақ қазिशга бўйруқ бўлди. Дарҳол ишга киришдик.

— Ер юмшоқ экан, кел, ик-қаламизга берилган жойни биргаликда қазиймиз, — деди Содиқ Рустамга. Унинг фикри менга ҳам маъқул тушди. У-чалламизга белгилаб берилган жойни биргаликда қазिशга ки-ришдик. Иш осон кўча бошла-ди. Хуллас, унчалик кўп вақт ўтмай, бўйи 80 сантиметр, эни 9 метр траншея қазилиб, ҳар-икки томондаги солдатлар кавлаётган жой билан туташ-тирилди. Кейин биз траншея атрофларини маскировка қи-лиш билан шуғулландик. Шундай қилиб, уч фронтдош ўртоқ абадий дўст бўлишга аҳд қилдик.

Душман бизни пайқаган бўлса керак, тонг билан ус-тимизга роса ўқ ёғдириди. Ав-вал немисларнинг оғир ва ен-гил замбараклари тоза иш» кўрсатди. Кейин «мессершмид-лар» тепавизни қор қалхат-дек айланиб, бизни аёвсиз ўққа тутта бошлади. Ана шу жонга снәрда парчасидан Со-диқнинг чап оёғи яраланди. Уни ҳамширалар санбатта олиб кетишди.

Уша кунлари тун бошлани-ши билан ҳар икки томонда отишмалар авж олар, кейин бироз тинчир, тонгга яқин яна кучаярди. Уч кун дағанда дам олишга бўйруқ бўлди.

Қалин ўрмоннинг сийрак дарахтлар орасидаги ялангликда дам олиб, катта қанчалар иш баҳам кўрар эканмиз, Рустам гап бошлади:

— Уруш қурбониси бўл-майди. Келинг, бир-биримиз-нинг адресларимизни ёзиб олайлик. Бирон ҳодиса ўз-берса, албатта уйга хабар қи-лиш керак бўлади.

— «Қирғи йил қирғин бўлса, ажабли етган ўлад», — деди шунда унинг сўзини бўлиб Свид номли тожик йигити.

— Тўғри-я, унинг сўзини тасдиқлади Рустам. — Лекин кимлардир Ветанимиз бахт-сао-дати, озолиги йўлида ҳалок бўлади, — деди-ю ёнидан бир варақ қозғ олиб, тўртга бўл-ди, унинг бирига ўз адресини ёзиб менга берди. Кейин биз-лар ҳам адресларимизни ёзиб бердик.

Дам олиш вақтимиз туга-гандан сўнг яна қисимимизга қайтидик. Бизни қўл пулемётчи-си қилиб тайинлашди. Мен Рустамнинг ёрдамчиси эдим. Бўш вақтимизда юртимиз, ша-ҳар ва кишлоқларимиз, оила-миз, дўст-ерларимиз ҳақида узоқ суҳбатлашардик. Биз худ-ди ака-укалардек бир-бири-мизга меҳрибон, яқин бўлиб қолгандик. Кунларнинг бирида бўйинимнинг ўнг томонидан енгил яраландим.

Даволашиб қисимимизга қай-ганимиздан сўнг батальон ко-мандири мени ўзига ордина-рец қилиб олди. Ўша кунлари мудофеда турардик. Мен батальон командири билан бирга ҳар сафар олдинги линияни айлантиган чиққанимизда Рустамнинг олдиға келиб, у билан кўришиб, ҳол-аҳвол сў-рашардик.

Бир хил ҳаёт кечирганимиз-данми ёки уруш киши жонига жуда тегиб кетганидими, ҳаммамиз ҳам ҳукумини сабр-сизлик билан кутардик. Ниҳоят, ана шундай кун етиб келди.

Тонг билан бутун дивизия-даги барча қуроллар бир йўла ўт оқди. Оғир ва енгил тўп-лар, зирхли танклар, самолётлар ёрдамида ҳукумга ўтди. Уч кун ичида душманимиз бирин-чи, иккинчи, учинчи мудофеа линияларини аксон қилиб, қарийб 25 километр олға сил-жидик. Витебск шаҳри биз-галарига яқинлашиб қолганда қисимимизга дам олиш учун бўйруқ бўлди. Қотган нон, қол-баса, консервалар билан кун

кечиришга тўғри келганди. Шунинг учун ҳам командирдан рухсат сўраб, овқат олиб ке-лишга отландик.

Фронт линиясидан анча ор-қада, катта айвон тағида, гил-диракли аравада келтирилган шовлави полк ошпази солдат-ларга тақсимлаётган эди. Рус-тамни ана шу ерда ўз бўли-мидаги бир неча жангчи бил-лан овқат олаётганида учрат-дик. Овқатни котелокларимиз-га тўлдириб олиб, қисимимизга шовилдик. Шовилдик-у, би-роқ.

Мен уч кундан сўнг санбат-да ўзимга келдим. Устма-уст отилган снәрда бизнинг ёни-мизга тушган экан. Бир неча солдат ҳалок бўлганини, улар ичида Рустам ҳам борлигини кейинчалик менга сўзлаб бе-ришди. Снәрда парчаси чап елкамини каттиқ яраланилган ва кўкрагимни ҳам сийлаб ў-ганлиги учун гимнастёркамда-ги ҳужжатларим ёниб кетган-ди. Менга санбатда кайтадан Қизил Армия дафтарчаси тутиб, уни тўлдиришди. Кейин даво-лашниш учун Рязань областиди-ги Клипкин шаҳарчасининг ҳарбий госпиталига юбориш-ди. Госпиталда даволаниб, ўзимга бир оз келганидан сўнг уйга, шу қатори Рустам-нинг уйига ҳам хат ёзмақчи бўлдим. Лекин Рустамнинг а-дреси олдинги Қизил Армия дафтарчада бўлгани учун ёниб кетганди. Шундай қилиб, ҳалок бўлган дўстимнинг ил-тимосини бажара олмадим.

...Жангга яроқсиз бўлганим учун уйга қайтарилди. Уйга келганимнинг учинчи кунлари бўлса керак, дўстим Рустам-нинг илтимосини бажариш учун Сўқоққа қўл олдим. Ҳақиқат-дан ҳам тоғлар бағрига, ором-бахш масканга жойлашган Сўқоқ кишлоғи Рустам ҳикоя қилингандек, ажиб гўзал, маф-тункор экан. Одамлари дил-каш, ширинсўз кишилар.

Мен манадагидек тушиб, би-ринчи рўпара келган ўрта ёш-ли кишидан Рустамнинг уйини сўрадим.

— Манзуранинг ўғлими! — менга савол билан қараб қўй-ди нотаниш киши — жава-бимни кутмасдан, — юртин улар бу томонда турмишди, — деб бошлаб кетди.

Рустам ўзининг тўғини фар-занд эканлиги, отасининг ҳам армияга кетганини, уйда Ман-зура исмли онаси ва 8 ёшли кичик укаси Орифгина қолгани ҳақида сўзлаб берганди. Шу-нинг учун мен:

— Худди * ўша, Манзура опанинг ўғли, — деб жаваб бердим.

Нотаниш киши билан уйга кирдим. Икки метрча қисман ҳаёсанг тошлардан қолган қисми пахсадан тикланган икки уй ёни-ёни сой томонга қараб қурилганди. У ердан бутун кишлоқ кўзга ташланган турар-ди.

— Келинг, келинг, ўғлим, — Манзура опа мени савимий, ниҳоятда очик чехра билан кутиб олди.

Манзура опанинг қомати, нигоҳи Рустамга ўхшаб кетар-ди. Унинг умидли, қувноқ че-ҳрасига боқар эканман, йўлда ўйлаган фикрларимдан бутун-лай қайтдим. Бу аёлнинг гал-ташвишлар билан фарқ бўли-шини истамдим. Шунинг учун ҳам гапни «Рустамдан хет олиб турибсизми?» дея бошладим. Кейин бирга мен қилганимиз, Рустамнинг жасорати, жонли уруш воқеаси аусусида қову-шар-қовушмас ача нарсаларни сўзлаб бердим. Манзура опа мени ўтказган жой тополмас-ди. Рустамжон, Рустамжоним деб уни эслаб ва мени ҳам ахш қилибсиз, «хўп эсон-омон келибсиз-да» деб худди ўз волидан каби эрқаларди. Кенга томон бир оз тоғ бағи-рларини сайр этиб, уйга қайт-дим.

Шу-шу Манзура опа билан она-боладек бўлиб кетдик. Ёзда оймиларни ҳам Сўқоққа олиб бордин. Хуллас, биз бир оиланинг аъзоларидек ҳаёт кечира бошладик. Манзура хо-ла шаҳарга тушганда албатта қирар, тўй-маросимларда кет-нашар; бизнинг оила аъзола-римиз ҳам ахш-ахшда бўлса-да, Сўқоққа боришардик.

...Яқинда ҳунуқ хабар эшит-дим. Манзура холяни ўлим қангалига олибди. Бу нохуш хабарни эшитдим-у, кишлоққа қўл олдим. Қадрдон уйга кириб чиққандан сўнг эзрат қилгани қабристонга бордин. Сўқоқ сойининг ўнг қирғида-ги баландликда жойлашган мазористон одадагидек сокин. Янги қазилган қабр тепасига келиб, кўш нурида илб тур-ган азият тупроқни қафларим орасига суртар эканман, кўз-ларимдан ёш томиб кетди... Оёқим, ўлгинининг ҳалок бўлганини сиздан яшириб, Рустамнинг илтимосини бажо келтирмай тўғри иш қилдимми ёки бу қилганим учун мени кечирмайсизми, деган нидо қалбимдан отилиб чиқди.

Собиқ АБДУЛЛАЕВ. Улуғ Ватан уруши қатнашчи-си, запасдаги офицер.



«Кел, келайди, Оқтоғим».

Р. Альбеков фототюди.



Рус шашкеси бўйича «Оқшом» газеталарининг соврини учун ўтказилган Бутуниттifoқ аёллар турнирининг сўнгги турда пешқадам Елена Читайкина 3. Белкина билан учрашди. Партияда шиддатли усуллар қўлланди. Вазият тенг бўлганлиги учун томонлар дурагга рози бўлишди. Сирасини айтганда, бу натижа ҳар икки спортчи ҳам қаноатланганди. Энди яна бир пешқадам Людмила Макушеванинг навбати келди. У қолб чиққан тақдирда бош совринни қўлга киритиши мумкин эди. Лекин Карина Мирзоева химоялашди жуда аниқ ҳаракат қилди. Натижада бу ерда ҳам очко баҳам кўрилди.

Шундан кейин қатнашчилар ва судьяларнинг эътибори Е. Ткаченко — И. Иванова учрашувига қаратилди. Ригалик спортчи қолб чиққанга пешқадамларга етиб олиш ва коэффициентлар кўрсаткичи бўйича бош совринни қўлга киритиши мумкин эди. Унинг шиддатли ҳужумларини тошкентлик шашкачи устали билан қайтарди. Бу ерда ҳам дурагга имзо чекиди. Тошкентлик спортчи биринчи марта спорт мастери норма-

тивини бажаришга эришди. Е. Мартынова — М. Яковенко, 3. Сафина — Х. Ибрагимова учрашувларида ҳам дураг натижа қайд этилди. Ленинградлик спортчилар Р. Эстеркина ва Л. Петрова учрашувда қора доналарнинг соҳибини позицияси устуналиги қўлга киритиб, уни охиригача етказди. Л. Петрова чиройли галабани қўлга киритди. Учрашувга келмаганлиги учун Т. Тетеринага мағлубият эъланди. Ҳафтада С. Устименко кўшимча бир очкога эга бўлди.

Шундай қилиб, «Тошкент тонги-86» Бутуниттifoқ аёллар турнири якунланди. 13 имкониятда 8,5 очко тўплаган москвалик Елена Читайкина бош совриндор бўлди. У турнир давомида тўрт марта галабга эришиб, тўққиз учрашувда рақиблари билан очкони баҳам кўрди. Е. Читайкина мағлубиятга учрамаган ягона шашкачидир. У бутун турнир давомида назарияни пухта билиши, қайири вазиятларда энг тўғри йўлни топа олиш маҳорати эга эканлигини намойиш қилди. Москванинг бу йилги чемпиони маҳоратини тобора такомиллаштириб бораётганлигини амалда исботлади.

Одессалик Людмила Макушева иккинчи ўринни эгалладилар. У ҳам 8,5 очко тўплаган

муваффақ бўлди. Фақат коэффициент кўрсаткичлари бироз паст бўлганлиги учун иккинчи ўрин билан қўйилди. У Тошкентдаги турнирда биринчи марта қатнашган бўлишига қарамадан чиройли ўйинлар кўрсатиб мутахассисларнинг эътиборини қозонди.

Гоминлик 3. Белкина ва ригалик Е. Ткаченко 8 тадан очко тўпладилар. Бу ерда ҳам коэффициент кўрсаткичлари муваффақияти деб баҳолаш мумкин. Тақрибли шашкачи Т. Тетерина ундан ярим очко орқада қолди. Халқроқ шашка бўйича мамлакат чемпиони Е. Мартынова еттинчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар қуйидагича тақсимланди: Х. Ибрагимова — 6 очко, С. Устименко, Т. Мирзоева, Л. Петрова, Р. Эстеркина — 5,5 очко, 3. Сафина — 5 очко, М. Яковенко — 4 очко.

Турнирда иккинчи баҳс кўзга ташланиб турди. У республикамизда шашкани янада омиллашувига кенг шароит яратди.

Шу ўринда турнир ташкилотчиси бўлган «Меҳнат» кўнглили спорт жамияти Тошкентдаги Советининг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Уч йилдан буён турнирнинг шу совет ўтказишда, Утган йили беллашуларини мазмунли ва юқори савияда ташкил этганлиги учун СССР давлат спорт комитетининг дипломи билан мукофотланган. Шунинг ҳам таъкидлаш кераки, турнир мамлакатимиздаги спортчиларга жуда маъқул бўлмоқда. Улар беллашуларда иштиёқ билан иштирок этишяпти. Тақрибли шашкачилар билан бўлган баҳсларда эса област Советининг шашкачилари маҳоратларини такомиллаштиришмоқда.

1984 йилда ўтказилган турнирда Фаина Будаева спорт мастери нормативини бажарган эди. Утган йили эса 14 ёшли Гавхар Норбекова биринчи марта турнирда иштирок этди. У чиройли ва ҳужумкор ўйинлари билан эса қоларли иш қилди. Жаҳон чемпиони Зоя Садовскаяни енгди, Татьяна Огородникова ва Озода Аҳмедова билан очкони баҳам кўрди.

«Тошкент тонги-86» турнирининг ўтказилиши област Советида шашка спортини ривожлантиришга катта омил бўлмоқда. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компар-

тиясининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган оммавий турнирда 90 мингга яқин спортчи қатнашганлиги бунинг далилидир. Тошкент тўқимачилик комбинатида фақат чех ва бўлимлардангина эмас, ётоқхоналарда ҳам турнирлар ўтказиш оdat бўлиб қолган. Бу оммавий баҳсларда 5126 киши қатнашди. «Ташкент» заводига 126 микротурнир ўтказилди. Уларда 1008 киши қатнашди. Шунингдек, Тошкент қурилиш Бош бошкармаси бўлимлари ва «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бirlашмасида ҳам ана шундай турнирларни ўтказиш оdat бўлиб қолган.

Бу сафарги Бутуниттifoқ турнири ҳам юқори савияда ўтказилди. Турнирни тантанали ёпилиши маросимда Тошкент област Советига СССР давлат спорт комитетининг дипломи топширилди.

Р. АДОНЬЕВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВЕВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/ХІІ да Риголетто, 10/ХІІ да Қўёшга тазвиз қил.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/ХІІ да Сўнгги қабул, 10/ХІІ да Отелло.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/ХІІ да Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Фахрурнинг ижодий кечаси.

КИНО

9 ДЕКАБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«УДДАБУРОН» — Санъат саройи (17, 20.00; телефонлар: 44-21-44, 44-21-34).

«ЭСКИ РУҲДАГИ ҲАЗИЛ» — Чайка (тоқ соатларда, сўнгги савнс 20.45 да; телефон 77-06-20), ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).

«БУ ПАРИЖДА БУЛГАН ЭДИ» — Лисунов номли (17, 20.00).

«ТУЙ АЙБЛАНАДИ» — Нукус (17, 19, 20.40; телефон 46-70-69), Москва (тоқ соатларда, сўнгги савнс 20.40 да), Тинчлик (тоқ соатларда).

«МЕРСЕДЕС»ДАГИ КИШИНИНГ ХУЖУКАТЛАРИ — Вос-ток (жуфт соатларда, сўнгги савнс 21.30 да, телефон 91-14-61), Тошкент Советининг 50 йиллиги (16, 18.30, 21.00; телефон 78-47-25).

«УПИРИЛИШ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«ЧИЧЕРИ» — Искра (17.15, 20.00; телефон 39-14-59).

«АЛАНГА ИЧРА» — Санъат саройи (кичик зал, 17.30, 20.30).

«ТОМДАГИ РАҚСЛАР» — К. Ерматов номли (тоқ соатларда).

«СОМОН ЙУЛИДАГИ УЧРАШУВ» — Дружба (тоқ соатларда, телефон 67-96-87).

«МУЗИНГ АСРА МЕНИ, ТУМОР!» — Дружба (жуфт соатларда).

10 ДЕКАБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«УДДАБУРОН» — Санъат саройи (11, 14, 17, 20.00; телефонлар 44-21-44, 44-21-34).

«ЭСКИ РУҲДАГИ ҲАЗИЛ» — Чайка (тоқ соатларда, сўнгги савнс 20.45 да; телефон 77-06-20), ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).

«БУ ПАРИЖДА БУЛГАН ЭДИ» — Лисунов номли (11, 14, 17, 20.00).

«ШИКОЯТ» — Москва (тоқ соатларда, сўнгги савнс 20.40 да).

«ТУЙ АЙБЛАНАДИ» — Нукус (11, 13, 15, 17, 19, 20.40; телефон 46-70-69).

«МЕРСЕДЕС»ДАГИ КИШИНИНГ ХУЖУКАТЛАРИ — Вос-ток (жуфт соатларда, сўнгги савнс 21.30 да, телефон 91-14-61).

«КЕЛИН-КУЕВЛАР УЧУН СОЯБОН» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (тоқ соатларда), К. Ерматов номли (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ЧИЧЕРИ» — Искра (12, 14.30, 17.15, 20.00; телефон 39-14-59).

«АЛАНГА ИЧРА» — Санъат саройи (кичик зал, 12, 14.30, 17.30, 20.30).

«ЯЛАНГОЕК ГЕН» — Тошкент Советининг 50 йиллиги (жуфт соатларда).

«МАРКАЗИЙ КУЧАДАН ОР-КЕСТР БИЛАН» — Тинчлик (тоқ соатларда).

«СОМОН ЙУЛИДАГИ УЧ-РАШУВ» — Дружба (тоқ соатларда, телефон 67-96-87).

«УЗИНГ АСРА МЕНИ, ТУМОР!» — Дружба (жуфт соатларда).

«ЎЗГОСЭНЕРГОНАДЗОР» — ЭСЛАТАДИ!

Электрдан фойдаланганлик учун ўз вақтида ҳақ тўлаш ҳар бир кишининг бурчидир.

Фойдаланганлик электр учун ҳар ойнинг 1—5 кунлари савнс 20.45 да, уларни беш кунлик муддат ичда Тошкент шаҳар меҳнат давлат омонат кассаларининг қирим кассаларига тўлаш лозим.

Агар сиз электр учун ҳақ тўлашни унутиб қўйган бўлсангиз, уни тезда тўлашингизни маслаҳат берамиз.

ЕДДА ТУТИНГ! Ўз вақтида электр ҳақи тўланмаса электр билан таъминлаш тўхтатиб қўйлади.

Тошкентдаги 25-ўрта ҳунар-техника билим юртининг йўқолган

ГЕРБЛИ ПЕЧАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Таштлодоовош» бир-лашмасининг Киров район улғуржи чакана савдо идорасига қарашли 9-магазиннинг йўқолган

ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

реклама ЭЪЛОНЛАР реклама

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

29 ДЕКАБРДАН 10 ЯНВАРГАЧА МАКТАБ ЁҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

ҚОРВОБО, ҚОРҚИЗ ВА ЎРГАТИЛГАН ҲАЙВОНЛАР ИШТИРОКИДА

«Сехрли орол сирлари»

АФСОНаВИЙ ЭРТАК ТОМОШАЛАРИ

САҲНАЛАШТИРУВЧИЛАР — УКРАИНА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИ.

Томошалар: 29, 31 декабрда 13.00 да; 30 декабрда 11, 13, 15.00 да; 1 январда 15.00 да; 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 январда 11, 13, 15.00 да бошланади.

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт саройи кассаларида сотиладилар.

Кассалар ҳар кун соат 14 дан 20.00 гача ишлайди. Коллектив бўлиб кўриш учун заявқалар қабул қилинмоқда.

ХОККЕЙ

13—14 декабрда — «ВИНОКОР» (Тошкент) — «МЕ-ТАЛЛУРГ» (Челябинск).

17—18 декабрда — «ВИНОКОР» (Тошкент) — «СКА» (Свердловск).

Ўйинлар шанба ва якшанба кунлари 17.00 да, ҳафтанинг қолган кунлари — 18.30 да бошланади.

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт зали кассаларида сотиладилар.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31 — касса; 46-68-77, 46-07-53 — администратор.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИНИНГ

37-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1986-1987 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ МЕТРО ҚУРИЛИШИ УЧУН МУТАХАССИСЛАР ТАЙИРЛАЙДИ: қўлда пайвандлаш бўйича электр пайвандчи, электр-газ пайвандчи, бўёқчи-сувоқчи, дурадгор, пардозловчи-плитка ётқизувчи-сувоқчи, контроль-ўлчов асбоблари ва саноат ускуналари бўйича электрослесарь, автомобиллар ремонт бўйича слесарь, автомобиль йўли техникаси бўйича слесарь. Ўқниш муддати — 3-синф ҳажмида маълумотлар учун 3 йил;

бўёқчи-сувоқчи, пардозловчи-плитка ётқизувчи, қўлда пайвандлаш бўйича электр пайвандчи. Ўқниш муддати ўрта маълумотлилар учун 1 йил;

токарь. Ўқниш муддати ўрта маълумотлилар учун 6 ой. БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ НИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

8-синфинг битириб ўқишга кирганлар тўлиқ давлат таъинотида бўладилар: (дам олиш кунлари кийиладиган сийимлар ва иш кийимлари, ҳар кун уч маҳал овқат билан таъминланади). Ўқиниш битирганлар эгаллаган ихтисоси бўйича берилган разряд ёзиб кўрсатилган диплом, тўлиқ ўрта маълумот оладилар.

Ўрта маълумот билан ўқишга кирганларга ҳар ойда 30 сўмдан 94 сўмгача стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар ишлаб юрган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Ўқниш ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚўШИВ СОБЛАНАДИ.

Билим юртини битирганлар темир-йўл транспорт хизматлари учун белгиланган ҳамма имтиёزلардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга ўз ихтисоси бўйича олий ўқув юртига ўқиш учун йўланма берилади.

Билим юрти яхши жиҳозланган кабинетлар, ишлаб чиқариш устандалари, спорт зали, ётоқхонага эга. Спорт ёқилари ва турли хил тўғарақлар ишлайди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, мактабдан характерисика, 286-формадаги медицина справкиси, турар жойидан правка, 3х4 см ҳажмидаги 6 донна фотосурат, ариза.

Мурожаат учун адрес: 700156, Тошкент шаҳри. Чилон. ор массиви, д-20 квартал, 35-уй (50, 78, 94-автobуслар, 11, 19-троллейбусларнинг «20-квартал» бекати).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

10 декабрдан бошлаб 1 Бутуниттifoқ йилги цирк асарлари конкурси ҳамда Ёшлар ва студентларнинг Москва шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон фестивали дипломи, масхарабоз

Алик НИСАНОВ раҳбарлигида ва иштирокида

2 бўлимдан иборат «АРЛЕКИНО» ЦИРКИ БУФФОНАДА

ЭКСЦЕНТРИК ШОУСИ

Программада буффонада қизқичқилари, экцентриллар, пародиялар, комик номерлар.

Томошалар — соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16 ва 19.00 да, якшанба кунлари — соат 12, 15, 18.00 да бошланади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявқалар қабул қилинмоқда.

Марказий касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

Ўзбекистон ССР ДОСААФнинг

РЕСПУБЛИКА БИР-ЛАШГАН ТЕХНИКА МАКТАБИ

«А» категориясидаги ҳайдовчилар (мотоциклчилар), «В» категориясидаги ҳайдовчилар (профессионал шоферлар), автомобиль механикларини тайёрлайдиган

ПУЛЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 56-алоқа бўлими, Олтинтепа проезди, 37-уй (метронинг «М. Горький» станцияси).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг

1-АВТОТРАНСПОРТ АЛОҚА КОРХОНАСИГА

барча категориядаги 1, 2, 3-класс ҳайдовчилари.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

СССР ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Бутуниттifoқ маҳсулот сифати ва метрология соҳаси раҳбар ва инженер-техник ходимлари малакасини ошириш институтининг

ЎЗБЕКИСТОН ФИЛИАЛИ вақант вазибаларга

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудири: метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифатини бошқариш;

ихтисослаштириш бўйича доцентлар: социализмни такомиллаштиришнинг актуал проблемалари, иссиқлик техникаси ўлчамлари, механик ўлчамлар;

катта ўқитувчилар (фан кандидатлари, илмий даражасиз); ишлаб чиқаришни метрологик таъминлаш, чизикли-бурчакли ўлчовлар, механик ўлчовлар, электр ўлчовлар, саноат маҳсулотини синаш, маҳсулот сифатини контроль қилиш.

Конкурс муддати — 21 декабрда.

Ушбу адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Волгоград кўчаси, 9-В» уй. Телефонлар: 53-81-94, 53-80-70, 53-80-85.

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

Озиқ-овқат моллари кичик сотувчиларини тайёрлайдиган 4 ОЙЛИК, контролёр-кассирларни тайёрлайдиган 6 ОЙЛИК

КУРСЛАРГА

Қабул эълон қилади

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 16 ЕШДАН 25 ЕШГАЧА БУЛГАН ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАР ИМТИҲОНСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчиларга ҳар ойда 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия берилади.

Ўқниш ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚўШИВ ҲИСОБЛАНАДИ.

«ГУЛЧЕҲРА»

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГУЛЧЕҲРА» МАКТАБ-МАГАЗИНИДА ҚИЗЛАР 6 ОИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ КАСБИНИ ЭГАЛЛАЙДИЛАР.

Курсларга 16 дан 26 ёшгача бўлган, 8 ва 10-синф ҳажмида маълумотли хотин-қизлар қабул қилинадилар.

Ўқувчиларга ойига 52—63 сўм миқдориди стипендия тўланади.


Ўқниш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Привокзальная кўчаси, 32-уй, Ленин район озиқ-овқат савдоси кадрлар бўлими (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24, 20-трамвайларнинг «Будённый кўчаси» бекати).

ЛЕНИН РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ БЎЛИМИ (телефон 91-10-03).

Ги лам — хонадон кўрки

Юмшоқ гиламлар ва чиройли гулли шолча кўзин қувонтиради. Шунинг учун ҳам улар хонадон кўркини очади ва фойз қиритади.



Бу буюмлар пол ва деворни иссиқ тутади, шовқинни ютади, хонанинг чиройини очади.